

1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



# Тасвиф

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 75 — 76

(2612 — 2613)

1993 ЙИЛ

24 СЕНТЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН  
НАРХДА

## Бугунги сонда:

### 2-бет

#### АВВАЛО ТИНЧЛИК БЎЛСИН

Қашқадарё вилоят ИИБда  
амалга оширилаётган ишлар  
хусусида

### 3-бет

#### ЯНГИЛИК, ТАШАББУС ВА НАТИЖА

Участка вакилларининг хизмат  
фаолиятини қандай баҳолаш  
мумкин?

### 6-бет

#### РАШК ҚҮРБОНИ

Ўн олти ёшли гунча-қизнинг  
қисмати ҳақида

## Икки жума оралиғида

### ТАТИМАДИ

Учқўприк тумани, Бекмурод қишлоғида яшовчи Ўктам А. исмли шахс ҳамтовоғи Аваз М. билан тил бириктириб, 10-АЁҚ шохобчасидан 2723 литр А-76 бензинини улгуржи сотиб олганлиги аниқланди. Агар уларнинг мақсадлари амалга ошганда, 360 минг сўм фойда кўрган бўлар эдилар.

### ЗАҲАРЛАНИШ

Шу йилнинг 28 август куни Гишмон қишлоғи, 38-уйда яшовчи 5 ва 6 ёшли Одинахон ва Дилдорлар қаровсиз қоладилар. Жажжи қизчалар қаровсизлик оқибатида ўзлари билмаган жода уйдаги дорилар турадиган қутичани очиб, ичидаги дориларни оғизларига солишди...

Қизалоқларни қутқариб қолишнинг иложи бўлмади.

### ЯНА ҚИМОР САБАБМИ?

Қимор оқибатида неча-неча оилаларнинг тинчлиги бузилиб, рўзгорлари хонавайрон бўлганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Шу йил 1 сентябрь соат йигирмалар чамасида Кичик Қашқар қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Даврон А. ҳамқишлоғи Қобил А. билан қимор ўйнаб туриб жанжаллашиб қолишди. Шунда Даврон пичоғини олиб шеригининг қорнига тикди. Жабрланувчи қасалхонада ётибди, жиноятчи эса терговда ўтирибди.

### НОМАЎЛУМ ЖАСАД

Шу йилнинг 26 август куни Фарғона шаҳар 1-милиция бўлимасига 3-Янгисой кўчасидаги фуқаролардан қўнғироқ бўлди. Унда айтилишича, Фарғона химия фуран бирикмалари заводи ёнидаги пайкалда ёши 30-35лардаги бир аёл жасади ётибди.

Тезкор гуруҳ ходимлари айтилган жойга етиб боришиб, аёлнинг шахсини аниқладилар. Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг ҳаракатлари туфайли жиноятни содир этган шахслар ҳам маълум бўлди. Улар шаҳардаги "Ҳилола" кимёвий тозалаш корхонаси ҳайдовчиси Р. Ш., юқоридаги завод чилангари Г. Н.лар бўлиб чиқди. Жиноий иш кўзгатибди.

### УСТАМОН ЎҒРИ

31 август куни кечаси номаълум шахслар Қўқон кўчаси 46-уй, 74-хонада яшовчи Татьяна Иванованинг уйига кириб, "Сино" совутгичи, "Темп" телевизор, икки дона "Электроника" магнитофони — жами 600 минг сўмлик мол-мулкни ўмариб кетишган.

Қирғули тумани ИИБ ходимларининг фаолликлари туфайли жиноятчи тез кунда аниқланиб, қўлга олинди.

У Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи машинисти И. Г. деган кимса экан. Тергов кетмоқда.

Саминжон ҚОРАБОВ,  
Фарғона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими,  
милиция лейтенанти.

## ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Кейинги пайтларда шаҳардаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида "Комплекс-93", "Дарвоза", "Тун" махсус тадбирлари ўтказилди. Тунда содир қилинаётган жиноятларнинг олдини олиш учун "Тунги гуруҳ" ишлари амалга оширилди. Бу тадбирлар ўз ижобий самарасини бермоқда.

"Қурувчилар" боғи енидан ўтиб кетаётган махсус "Тунги гуруҳ" аъзолари милиция катта лейтенанти Воҳид Абдурахмонов, милиция лейтенанти Турсунбой Исаев, милиция старшиниси Абдумажид Содиқовлар "ердам беринг" деган овозни эшитиб қолишди. Боғнинг қоронғилиги, кўчадаги еритгичларнинг носозлиги туфайли овознинг қаердан келаётганлигини илғаб бўлмасди. Лекин шу пайт "Шарқ" кафеси ховлисида икки фуқаро жувфакни рошлаётганлигини кўришди.

Уларнинг бири қўлга олинди. Унинг енидан тугмачали пичок топилди. Атрофни кузатган ходимлар маданияй-маиший муассаса қоровулхонаси ойнасининг сингалигини, оёқ-қўли боғланган, оғзига латта тикилган қоровулни кўришди ва тезкор гуруҳни чақирди. Уларнинг хушёрлиги эвазига ҳар бири 540 минг сўм турадиган олти моноблок ва қоровулнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

11 июндан 12 июнга ўтар кечаси номаълум фуқаро 02 телефони орқали навбатчи қисмга Московская кўчасидаги автогаражни бузишгаётганлиги ҳақида хабар берди. Навбатчи, милиция катта лейтенанти А. Бердикулов воқеа содир бўлаётган жойга ВЕИН нозир, милиция катта лейтенанти Солиҳ Даукаев, милиция катта сержанти Юнус Абдуллаев, ҳайдовчи-ҳодим, милиция сержанти Омон Жамоловларни юборди ва "Тунги гуруҳ" аъзолари милиция катта лейтенанти Эргаш Яхшиев, милиция сержанти Ҳайдарали Қурбонов ҳамда милиция сержанти Иван Вострекинларга рақия орқали хабар берди. Тезкорлик ўз самарасини кўрсатди — 7 кишидан иборат жиноятчи гуруҳ қўлга олинди.

Олмалик шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция майори М. Мирзаев номига шаҳарда яшаб турувчи Александр Сидоров томонидан жиноят тўғрисидаги хабарга тезкорлик билан етиб келишган ва қотиллик содир қилган жиноятчини ушлаган ходимларга раҳмат айтиб езилган хат олинди. Воқеа 27 июнь куни

Московская кўчасининг 32-уйи енида юз берди. Иккита еш йигит бир фуқарони ваҳшийларча ураётганлигини ойна орқали кўрган А. Сидоров милиция навбатчи қисмига қўнғироқ қилди. Уч дақиқа ичида милиция тезкор гуруҳи етиб келиб, жиноятчиларни қўлга олди. Гуруҳ аъзолари, участка нозир Е. Коваленко, милиция катта сержанти А. Рисбоев, милиция кичик сержанти И. Урмонов, участка катта нозир, милиция катта лейтенанти А. Ороловлар 5 минг сўмдан пул мукофоти билан рағбатлантирилдилар.

М. ЮНУСОВ,  
Олмалик шаҳар ИИБ  
бошлиғининг муовини,  
милиция подполковниги.

## Репортаж

# ШАҲАР МИЛИЦИЯ БЎЛИМИ УЧУН ЯНГИ БИНО

— Морозов кўчасида янги бино қурила бошлангандими?  
— Милициянинг янги бўлими очилармиш.  
— Эҳтимол, энди бизда ҳам тартиб бўлиб қолар.  
(Кўчада эшитилган суҳбатдан).

Бу ерда эрталабдан ҳаёт қайнайди: самосваллар шағал, қум, цемент ташийди, ёғоч-тахта олиб келинади. Янги бинонинг кириш қисмига аллақачон мрамрдан сайқал берилиб, у чиройли тус олди, ичида эса пардозлаш ишлари авжига чиққан. Бинонинг ҳовлисида шаҳар милиция бўлимининг бўлажак ходимлари учун юз ўринли ошхона қад кўтарди.

— Ошхона ҳозирданоқ меҳмонларни қабул қилиб олишга тайёр, — дейди қурилиш учун



масъул бўлган милиция майори И. Иванчин. — Махсус ускуналарни олиб келсак бўлгани.

— 4-шаҳар милиция бўлими учун яна қандай қулайликлар бўлишини мўлжаллагансизлар? — сўрайман Иванчиндан.

— Ҳовлида гаражлар, алоҳида хоналар ва бир неча омборхоналар бўлади. Лекин буларни кўчиб кирганимиздан кейин тугатмоқчимиз. Умуман олганда, қурилишга мутасадди бўлган "Альтернатива" кичик корхонаси бинокорлари ҳамма ишни шу йилнинг охиригача тугатишга аҳд қилганлар.

— Иван Захарович, кабель заводида бориб, электр симларини олиб келиш пайти келди, — майорнинг олдига бригадир Абдурашул Йўлдошев яқинлашди.  
— Ҳар куни шу аҳвол, — дейди мента қараб Иван Захарович, — гоҳ гишт заводида, гоҳ ёғоч-тахта омборига, гоҳ Тошкент товар бекатига бориб келишимга тўғри келади, қисқаси, тиним йўқ.

Бу ерда милиция ходимлари сменали вахтада турибдилар. Улар қурилишда тартиб бўлиши учун масъулдилар. Кичик сержант Руслан Ражапов ўзининг бевосита вазифаларига катта масъулият

билан ёндашмоқда. У бир неча марта араланган ёғочлар ўғирланишининг олдини олди. Ўғирларга нисбатан жиноий иш кўзгатибди. Ражапов жиноятларнинг олдини олишга ҳам катта аҳамият беради.

— Дурадгорларимизни кўрсатиб ўтишни ҳам унутманг, — дейди бригадир мен билан суҳбатлашаркан. — Николай Зубарев, Василий Галкин, Александр Даниелянлар тажрибали, омилкор дурадгорлар. Яқиндагина шипларни пардозлаб бўлди, ҳозир графикдан ўзган ҳолда паркет ётқиза бошладик. Биз кичик механизация воситаларидан унумли фойдаланамиз, шу сабабли ҳам кам миқдорли ишчилар билан қурилишни тезкор суръатларда тугатаймиз. Уч-тўрт ой ўтиши биланок қурилишни тугатиб, ишмиз сифатига комил ишонч билан эгаларига топшираимиз. Буни тўла масъулият билан айтаяпман. Йигитларимнинг сўзлари қатъий, улар ўз ишларини пухта билишади.

Қурилиш майдончасидан тўғри Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармасига йўл олдим.

— Мақсадимиз милицияни халққа яқинлаштириш, — деди мен билан суҳбатда бошқарма

бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция капитани Р. Салоев. — Бизнинг туманимиз шаҳардаги энг катта туман. Туман ИИБга иши тушган одам кичик бир масалани ҳал этиш учун ҳам қанча вақт ва куч сарфлашини тасаввур қила оласизми? Шаҳар милиция бўлиmlарининг фаолияти ана шу ўткир муаммони ҳал этишга қаратилган. Дастлабки учта шаҳар милиция бўлиmlарининг иш тажрибаси улар қарайдиган ҳудудларда жиноятга мойиллик вазияти анча юмшганини кўрсатади. Ҳуқуқбузиш ҳолларини очиш кўрсаткичлари эса кўтарилди. Асосийси, албатта, жиноятларнинг олдини олиш. Яланғоч мавзесига хизмат кўрсатадиган 4-шаҳар милиция бўлими, шубҳасиз, замонавий талабларнинг ҳаммасига жавоб беради — шахсий таркиб деярли тўлиқ бутланди, навбатчи қисм, жиноятларнинг олдини олиш, жиноят-қидирув, тергов бўлиmlарини ташкил этилди. Бу ерда, асосан, ёш мутахассислар хизмат қилади. Бўлим замонавий техника билан жиҳозланади. Унга ҳозирданоқ бир нечта махсус автомобиль ажратилди.

Бошқарманинг навбатчилар хонасида қўнғироқ овози тинмайди. Навбатчи туманининг тезкор харитасига белгилар қўяди, селектор орқали турли хизматларга фармойишларни етказилади. Яқинда бу ерга Мирзо Улугбек туманининг янги 4-шаҳар милиция бўлиmidан ҳам хабарлар кела бошлайди.

Ю. ЛИСОВ

Суратларда: туман ИИБ 4-шаҳар милиция бўлими биносининг ташқи кўриниши; милиция майори И. Иванчин (чапдан), милиция капитани Р. Салоев, милиция кичик сержанти Р. Ражабов ва бригадир А. Йўлдошевлар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.













## “ПАХТАОЙ”НИНГ ТАШРИФИ



Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиб турилади. Бу ерга таниқли ижодкорлар, санъаткорлар тез-тез ташриф буюришади. Яқинда “Пахтаой” болалар дастаси Бошқарма меҳмони бўлди. Учрашувга таклиф қилинган Бошқарма ходимларининг фарзандлари ҳам шу кунни яйраб-қувнадилар ва “Пахтаой”дан хурсанд бўлидилар.

М. МЫРСОВУРОВ,  
милиция подполковниги.



Канададаги Торонто шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича 29-чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси иккита бронза медални қўлга киритди. Мусобақаларда америкаликлар голиб чиқдилар (3 олтин ва 2 кумуш медал).

Ўзбекистондан чемпионатда жами 7 киши қатнашди. Ана шу жаҳон чемпионатида бронза медални нишондори бўлган Руслан Хинчагов шундай ҳикоя қилади:

— Америкалик Кевик Жексон билан курашишга анчадан бери тайёргарлик кўрдим, у билан албатта учрашувимни ҳис этардим. Зеро, бизнинг оғирлик категориямизда у энг кучли курашчи ҳисобланади. Унинг Барселонадаги Олимпиадада Эльмади Жаброилов билан якуний курашуви тасвирланган видеоёзувни қайта-қайта кўрдим. Унинг эркин курашдаги усулларини диққат билан ўргандим, таҳлил қилдим. Натижада Жексонни унинг ўз усули ёрдамида мағлуб қилдим.

Афинада бўлиб ўтган ёш спортчилар биринчилигида ўзбекистонлик Рамил Исмолов ва Таймураз Урусовлар олтин медални қўлга киритган эдилар. Улар энди Торонтодаги чемпионатда ҳам қатнашдилар. Албатта, бу биринчиликда ўларга анча қийин бўлди. Гап маҳоратнинг етишмаслигида ҳам эмас. Уларда маҳорат етарли бўлсада, тажрибанинг камлиги ўз таъсирини кўрсатди.

Биринчи даврада қозғистонлик Оқбоевни мағлуб қилган (8:1) Рамил Исмолов сўнгра Олимпиаданинг икки карра чемпиони Сергей Белоглазов билан беллашди. Бунда ҳаму голиб чиқди (2:6). Лекин Жанубий Корея спортчиси Санг Хи Шин билан яккама-якка кураш оғир кечди.

## СПОРТ ЯНГИ ПАРВОЗЛАР САРИ

Натижалар Исмоловнинг галаба қозонишини кўрсатмоқда эди, лекин олишувнинг тугашига ярим дақиқа қолганда аҳвол кескин ўзгарди. Ҳакамлар Шиннинг голиб чиққанини таъкидлашди.

Исмоловдан бу ҳол қандай юз берганини сўраганимда у хижолатомузлик билан: томошабинларнинг Шинни ҳаддан ташқари қизғинлик билан қўллаб-қувватлашидан довдираб қолдим, деди.

Мен юқорида унга тажриба етишмади деган эдим. Бироқ, Рамилнинг мағлубиятида фақат уни рўқач қилиш унчалик тўғри бўлмаса керак. Унинг тренерининг айтишича, Рамил ҳисобда устунликка эришгач, негадир шу ҳисобни ушлаб туришга ҳаракат қиларкан. Грецияда ҳам ана шу сабабли сал бўлмаса Арам Маркаряндан мағлуб бўлай деган. Лекин баллари кўп бўлгани учун голибликни қўлдан бой бермаган. Торонтода эса Рамилнинг бу одати ўзига панд берди.

— Америкалик атлетикачилардан ўрнат олса арзийди. Улар устун мавқега эришганларида ҳам суръатни пасайтирмайдилар. Канадада бунга қатъий амал қилишди. Биринчиликда машҳур Жексон Хинчагов билан учинчи ўрин учун беллашди. Америкалик жон-жаҳди билан ҳаракат қилмаса ҳам бўларди. Лекин бундай қилмади. Чамаси, у ўз қадр-қимматини жуда юқори тутди. Хинчагов голиб чиқа бошлаганида у таваккалга иш тутди, бор кучини сарфлади. Руслан бундан

фойдаланиб қолди. Кўрганларнинг гувоҳлик беришича, медалдан маҳрум бўлгани учун Жексон жуда ҳам хафа бўлган.

Исмолов тўғрисида баҳслашиш мумкин бўлсада, Урусовнинг мағлубияти сабаби равшан эди. Таймураз болдир суягининг жароҳатини тўла даволатишга улгурмаган эди. Биринчи учрашувда у кубалик Гонзалесни мағлуб қила олган бўлсада, япониялик Адачидан енгилди (7:10).

Хинчагов учун биринчилик учун кураш муваффақиятли бошланди. Япониялик Якаямани у осонгина мағлуб қилди (11:0). Кейин у минский Александр Совко билан беллашди. Хинчаговнинг тан олишича, Совко — жуда кучли курашчи, у билан олишганда эътиборни сўсайтирмаслик керак, сал чалғидингми, мағлуб қилиб ташлайди. Хинчагов баҳорда у билан Тошкентда учрашган ва ундан енгилган эди. Бир-бирининг кучли ва кучсиз томонларини яхши билган иккала полвон ўз маҳоратларини тўлиқ ишга солишди. Руслан Совкони озгина устунлик билан (1:0) мағлуб қилди. Сўнгра Хинчагов украиналик Элдор Асановни 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярим финалда ўзбекистонлик атлетикачи Европа биринчилигида совринли ўринларни эгаллаган турк Себахон Ўзтүрк билан беллашди. Уч дақиқа давомида кураш тенг даражада борди, сўнгра Русланга пассив иштироки учун ҳакамлар томонидан огоҳлантириш берилди. Хинчагов кескин ҳужумни бошлаб юборди,

натижада, кўпинча бундай ҳолларда юз берганидек, 8:2 ҳисобида енгилди. Ўзтүрк Торонтода жаҳон чемпиони бўлди, Хинчагов эса учинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди.

Юртдошимиз Рамил Отаулин ҳам иккинчи олишувда кучли курашчи — Барселонадаги Олимпиаданинг бронза медални нишондори кубалик Ласаро Райндоса Мартинес билан беллашди. Унинг кубалик билан беллашуви дуранг натижа (2:2) билан якунланди. Ҳакамлар эса Мартинес беллашувда фаолроқ бўлгани учун уни голиб деб топдилар. Делегациямиз аъзолари бундай қарордан норозилик билдирдилар. Лекин ҳакамлар ўз сўзларида қатъий турдилар.

Мартинес якуний қисмгача етиб келди, шунинг учун Отаулинда “тасалли берувчи” олишувларда беллашиш имконияти пайдо бўлди. У бундан муваффақият билан фойдаланди. У навбатда-навбат янги зеландиялик Белни, 1991 йили жаҳон чемпиони бўлган ва Барселонадаги Олимпиадада кумуш медалнинг нишондори гомеллик Сергей Смолни ва хитойлик Ю Тхуни мағлубиятга учратди. Учинчи ўрин учун беллашувда у туркиялик атлетикачи Исмоил Фойқўғлуни 1:0 ҳисобида мағлуб қилди.

Республикамиз полвонлари ёшлар ва катталарнинг жаҳон биринчиликларида яхши қатнашдилар. Гап жамоаларнинг юқори ўринларни эгаллашидагина эмас. Энг муҳими, улар энг кучли полвонларни чиройли усуллар ёрдамида мағлуб қилиб, етакчи курашчилари бўлган дунё мамлакатлари ўртасида эътироф ва ҳурматга эришдилар.

С. ГАПИЧ.

## ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ёнғин оқибатларини бартараф қилишда ўт ўчириш ходимларидан жуда катта жисмоний жасорат талаб қилинади. Бу эса барча ходимлардан сурункали ўт ўчириш амалий спорти билан шуғулланишни, жанговар ва фавқуллоҳда ҳодисаларга ўзларини узлуксиз тайёрлаб боришларини талаб этади.

Республикамизда вилоятлар-аро ўт ўчириш амалий спорти мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади ва бу ўз самарасини бермоқда. Жумладан, шу йил Ўзбекистон терма жамоаси Қозғистоннинг Павлодар, Украинанинг Суми, Қирғизистоннинг Талас ва Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳарларида ўт

ўчириш амалий спорти бўйича мусобақаларда фахрли ўринларни эгалладилар. Талас шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада эса биринчи ўринни қўлга киритишди. Бу мусобақада спорт усталари — ички хизмат капитани А. Старинец ва ички хизмат катта лейтенанти В. Зарубинлар сурилма нарвон орқали ўқув биносининг 3-қаватида 13,5 сонияда чиқишди. Тўртта 100 метрли эстафета мусобақасида ички хизмат капитани А. Татарников, ички хизмат лейтенанти А. Кудряшев, А. Старинец ва ички хизмат катта лейтенанти В. Зарубинлар белгиланган масофани 61,3 сонияда босиб ўтдилар.

Т. МАЪРУПОВ.

## ҚИДИРИЛМОҚДА



Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани ички ишлар бўлими томонидан 1974 йилда Тошкент вилоятида туғилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳамид Олимжон кўчасидаги 31-уйда яшайдиган Муяссархон Камолитдиновна Ҳодихожаева

қидирилмоқда. 1993 йилнинг 2 сентябрь кунини Муяссархонни охири марта Самарқанд автошохбекатида кўришган. Шундан буён бедарак.

**Белгилари:** юзи чўзинчоқ, қошлари тўғри, тишлари бутун, сочлари узун.

**Кийими:** эғнида қизил кўйлаги, майда гўл-рангли лозими, оёғида оқ рангли шиппаги, қўлида қора рангли матодан тикилган сумкаси бўлган.

Муяссархоннинг кейинги тақдиридан хабар топганлардан бу ҳақда Тошкентга 55-98-21, 55-94-96 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги милиция бўлимига 02 рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

## ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар 37-СПТУ томонидан 1990 йилда Фозилжон Нигматович Орипов номига берилган Б 202971 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Турсунхон Айдарович Худойбергеновга волидаи муҳтарамалари

**Қорақиз онанинг** вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия — изҳор этадилар.

Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлигининг муовини Собитхон Акромовга волидаи муҳтарамалари

**Зулфияхон аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдодлик билдирадилар.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 554, 33.209 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табок. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:**  
700029, Тошкент,  
Наврўз кўчаси, 1.